

В.М.Дускулов, Б.А.Элмуратов,
Ветеринария илмий-тадқиқот институты,
С.С.Мейлисв, магистр, СамВМИ

АСАЛАРИЧИЛИК - СЕРДАРОМАД ТАРМОҚ

Асаларичилик қишлоқ хўжалигининг юқори даромадли тармоғи. Бойси асаларилар ўсимликларни чанглангирганда ҳосилдорлик 25-50% га ошади, асал, гул чанги ўз хусусиятлари бўйича озиқ-овқат, доривор ва косметология маҳсулотлар ҳисобланади; прополис, асалари захари, она ари сути тиббиёт ва косметология- да кенг фойдаланиладиган кучли биостимуляторлар ҳисобланади.

Ўзбекистан асалариларни кўпайтириш ва боқиш бўйича қадим марказлардан ҳисобланади. Юртимиз- га асалариларнинг ҳар хил популяциялари 1848 йил- да олиб келинган. Ҳозирги кунда асалариларнинг фойдали ва биологик хусусиятлари билан маҳаллий популяцияси Ўзбекистан иқлимига мослашган ҳолда сақланиб келмоқда.

Охириги йилларда олимларнинг кузатишлари бўйича асалари популяцияси Европа, Америка ва Осиёда кескин камайиб бормоқда. Асалари инди асал, асалари овқати ва наели бўлишига қарамай асаларилар оилалари ўз инини ташлаб кетмоқдалар. Асаларилар- даги бу ходисани «Colony Collapse Disorder» (CCD) - «Колония крахининг синдроми» деб аташди. Бундай ходисалар бўлишининг гипотезалари ҳар хил: мобиль телефонлар, пестицидлар ва генетик модифицирлан- ган галла уруғлари ва иқлим ўзгаришлари таъсиридир.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда асалариларининг хизмати бекиёс. Масалан, АҚШда асал ва мумни сотишдан олинган даромад 45 миллион доллар бўлса, қишлоқ хўжалик ўсимликларини чанглатишдан олинган даромад 6 миллиард долларни ташкил этар экан.

Асаларилар кулай экологик муҳитни яратишда ҳам улкан ҳисса қўшади. Жаҳон экологлари асаларини атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига ижобий таъсир этишини ишончли исботлаб беришган.

Ер юзиде инсониятга маълум бўлган ўсимликларнинг 80% га яқини оралик чангланиш натижа- сида тугун тугади, мева, уруғ ҳосил қилади. Оралик ўсимликларнинг бешдан тўрт қисми ҳашаротлар ёрда- мида чангланишга муҳтож ҳисобланади. Шунинг учун ҳам агротехник тадбирлар билан бир каторда боғлар, далада ўсадиган ўсимликлар, мева-сабзавотлар ҳамда полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишда чанглан- тириш алоҳида аҳамиятга эга.

Асосан олма, нок, олча, гилос, олхўри, шафтоли, маймунжон, смородина, малина каби мева-чевалар ҳашаротлар ёрдамида чангланганда, уларнинг ҳо- силдорлиги юқори бўлиб, меваси йирик, чиройли, ха- ридоргир ҳамда мазали бўлади. Агар чанглангирувчи ҳашаротлар етишмаса, кунгабоқар, уруғли беда, эспарцет уруғи, гречиха, рапс, уруғлик кашничларнинг уруғ

туғиши пасаяди, пахтанинголласи яхши бўлмайди, полиз экинларидан қовун, тарвуз, қовоқ, бодринг, уруғли пиёзлар, уруғли қарам ва бошқа сабзавотларнинг уруғ туғиши паст бўлади.

Энтомофил ўсимликларни асаларилар ёрдамида чанглангиратиш орқали нафақат уларнинг ҳосилдорлиги ошади, балки уруғларининг униб чиқиши, мева туғиши, ривожланиши юқори бўлади.

Асалариларни баҳор ва ёз пайтларида, яъни ҳар бир оилада 40-60 минг дон ари бўлган даврда боғлар ва экин майдонлари яқинига кўчириб келтирилган- да ҳосилдорлик ҳашаротлар чанглаганига нисбатан ўртача 30-50% га юқори бўлиши илмий нуқтаи назар- дан тасдиқланган.

Тажрибалар шунини кўрсатадики, ҳосилдорликнинг юқори ва ҳосил сифатли бўлиши энтомофил ўсимликлар чангланганини сифатли бўлишига ҳам боғлиқ. Ҳар қайси гулга қанча кўп асалари қўнса, улар бошқа хил ўсимлик ёки мевалар гулларида гул чан- гини олиб ўтса, яъни оралик чанглангани таъминла- са, шунча яхши бўлар экан. Полиз экинлари гулига 30 тадан ортиқ ари қўнса, демак, чангланган меъёрида бўлади. Асаларилар ёрдамида чангланган кунгабоқар 85,3% дан 90,8% гача тўлиқ кунгабоқар пистасини берган. Сим тўр билан тўсиб чекланган кунгабоқар эса фақат 48%, дока билан тўсиб чеклангани - 14,2% кунгабоқар пистасини туккан. Ўтиборлиси, кунгабоқар пистаси оғирлиги ҳам ҳар хил бўлган, масалан, асаларилар чанглангирган 1000 та кунгабоқар пистаси - 60,2 гр, сим тўр билан чекланган пистаси

- 38,2 гр, дока билан чеклангани - 28,4 граммга тент бўлган. Бу кўрсаткичлар шундан далолат берадики, асалариларни энтомофил ўсимликлар экилган май- до нлар яқинига кўчириб чанглангиратиш уруғлик учун дуккакли ўсимликларнинг уруғ туғиши 2,5—3 баробар юқори бўлиши тажрибаларда аниқланган.

Баҳордан то қиш келгунча тиним билмайдиган қанотли "фармацевтлар"нинг соғлом бўлиши, ри- вожланиши ҳамда ҳар хил касалликларга қалин- маслиги учун ҳаракат қилсак, экологик таза, табиий маҳсулотлар истеъмол қилишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Исамухамедов А., Никадамбаев Ҳ. Асалари ка- салликлари ва зараркундалари. - Т.: «Sharq», 2013. - Б - 96.
2. Нуждин А.Ф. «Основы пчеловодства», - Москва: «Агропромиздат», 1988.